

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ ХУЗУРИДАГИ МАЖБУРИЙ ИЖРО БЮРОСИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11076425>

Хушбокова Нигора Ғайрат қизи

Термиз давлат университети Юридик факультети
Юриспруденция таълим йўналиши 4-босқич талабаси

Nigora.0303@icloud.com

Аннотация

ушибу мақолада суд ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро қилиш механизmlарини янада такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг ташкил этилиши, фаолияти, ижро ҳужжатлари ҳақида батифсил ёритилган.

Калит сўзлар

прокуратура, Бош прокурор, Бош прокуратура, Мажбурий ижро бюроси, марказий аппарат, ҳудудий бошқармалар, ижро ҳужжати, дубликат, арбитраж, ҳакамлик судлари, СТИР, «МИБ портал», PLAY MARKET, www.mib.uz ва бошқ.

Мамлакатимизда суд ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро қилиш механизmlарини янада такомиллаштириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бунда асосий эътибор фуқароларнинг хуқук ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш билан бирга ижро жараёнларини амалга оширишда ахолига кенг қулайликлар яратишга қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 29-майдаги “Електр энергияси ва табиий газ етказиб бериш ҳамда истеъмол қилиш соҳасида тўлов интизомини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, ижро иши юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5059-

сон Фармони⁸¹ ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Мажбурий ижро бюроси⁸² ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги мажбурий ижро бюроси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарорига асосан, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Мажбурий ижро бюроси бошқарув ходимларининг Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетидан молиялаштириладиган чекланган сони 3 542 нафар, шу жумладан марказий аппаратда 82 нафар этиб белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига:

- зарур ҳолларда Бюро ва унинг худудий тузилмаларининг ташкилий-штат тузилмаларига ўзгартишлар киритиш;
- Бюро ва унинг худудий тузилмаларига Мажбурий ижро бюросини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қўшимча штат бирликлари киритиш хукуқи берилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги мажбурий ижро бюроси Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланадиган ва озод этиладиган директор томонидан бошқарилади.

Бюро директори ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори олдида ҳисобдор ҳисобланади.

Бюро директори меҳнатга ҳақ тўлаш, тиббий ва транспорт таъминоти шарт-шароитлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринbosарига тенглаштириган.

Суд хужжатлари ва бошқа органлар хужжатларини мажбурий ижро этиш Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Мажбурий ижро бюроси органларининг давлат ижрочилари зиммасига юклатилади, уларнинг ваколатлари Ўзбекистон Республикасининг “Суд хужжатлари ва бошқа органлар хужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги 2001-йил 29-августда қабул қилинган 258-II-сонли Қонун⁸³и ва бошқа қонунчилик хужжатлари билан белгиланади.

⁸¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Электр энергияси ва табиий газ етказиб бериш ҳамда истеъмол қилиш соҳасида тўлов интизомини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, ижро иши юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. Тошкент ш, 2017-йил 29-май, ПФ-5059-сон.

<https://lex.uz/docs/-3218772>

⁸² Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги мажбурий ижро бюроси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори. Тошкент ш, 2017-йил 30-май, ПК-3016-сон. <https://lex.uz/docs/-322004#-3220010>

⁸³Ўзбекистон Республикасининг “Суд хужжатлари ва бошқа органлар хужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуни. Тошкент ш, 2001-йил 29-август 258-II-сон.

<https://www.lex.uz/acts/26477>

Ушбу Қонунда белгиланган қоидаларга биноан қуийдагилар ижро этилиши лозим:

- 1) фуқаролик ишлари бўйича судларнинг, иқтисодий ва маъмурий судларнинг ҳал қилув қарорлари, ажримлари ва қарорлари;
- 2) жиноят ишлари бўйича судларнинг хукмлари, ажримлари ва қарорларининг мулкий ундиришга оид қисми, шунингдек жарима тариқасидаги жазони назарда тутувчи хукмлари, ажримлари ва қарорлари;
- 3) маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бўйича суд қарорларининг мулкий ундиришга оид қисми;
- 4) алиментлар тўлаш тўғрисидаги нотариал тарзда тасдиқланган келишувлар;
- 5) нотариусларнинг ижро хатлари;
- 6) меҳнат низолари комиссияларининг қарорлари;
- 7) маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколатига эга органлар (мансадбор шахслар) чиқарган қарорлар;
- 8) ҳакамлик судининг қарорлари;
- 9) Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги ёки ҳалқаро шартномасида назарда тутилган ҳолларда чет эл судлари ва арбитражларининг қарорлари;
- 10) ўзбошимчалик билан турар жойни эгаллаб олган ёки авария ҳолатида деб топилган уйларда яшаётган шахсларни маъмурий тартибда кўчириш тўғрисидаги прокурорларнинг қарорлари;
- 11) давлат ижроиларининг ушбу Қонунда назарда тутилган ҳоллардаги қарорлари;
- 12) қонунчилиқда назарда тутилган ҳолларда бошқа органларнинг ҳужжатлари.

Қуийдагилар ижро ҳужжатлари ҳисобланади:

- 1) судлар ўзлари қабул қиласидан суд ҳужжатлари асосида берадиган ижро варакалари;
- 2) ҳакамлик судининг қарорларини мажбурий ижро этиш юзасидан судлар берадиган ижро варакалари;
- 3) чет эл судлари ва арбитражлари қарорлари асосида Ўзбекистон Республикаси судлари берадиган ижро варакалари;
- 4) суд буйруклари;
- 5) алиментлар тўлаш тўғрисидаги нотариал тарзда тасдиқланган келишувлар;
- 6) нотариусларнинг ижро хатлари;

7) меҳнат низолари комиссиялари ўз қарорлари асосида берадиган гувохномалар;

8) маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколатига эга органлар (мансабдор шахслар) чиқарган қарорлар;

9) ўзбошимчалик билан турар жойни эгаллаб олган ёки авария ҳолатида деб топилган уйларда яшаётган шахсларни маъмурий тартибда кўчириш тўғрисидаги прокурорларнинг қарорлари;

10) давлат ижро чилиларининг қарорлари;

11) қонунда назарда тутилган холларда бошқа органларнинг ҳужжатлари.

Ижро варақаси, суд буйруғи судьянинг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланган электрон ҳужжат тарзида ахборот тизими орқали тақдим этилиши мумкин.

Ижро ҳужжатининг асл нусхаси йўқолган тақдирда, қонунчиликда назарда тутилган тартибда бериладиган унинг *дубликати* ундирув учун асос бўлади.

Ижро ҳужжатида қўйидагилар қўрсатилиши лозим:

1) ижро ҳужжатини берган суд ёки бошқа органнинг номи;

2) ижро ҳужжатининг қайси иш бўйича берилганлиги ва унинг тартиб рақами;

3) ижро этилиши шарт бўлган суд ҳужжати ёки бошқа орган ҳужжати қабул қилинган сана;

4) ундирувчи ва қарздорнинг номи, уларнинг манзиллари; жисмоний шахслар учун – қарздорнинг түгилган санаси ва жойи, иш жойи қарздор жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлмаган жисмоний шахсларнинг шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжатларнинг реквизитлари), шунингдек қарздор юридик шахснинг солиқ тўловчи идентификация рақами;

5) суд ҳужжати ёки бошқа орган ҳужжатининг қарор қисми;

6) суд ҳужжати ёки бошқа орган ҳужжати кучга кирган сана;

7) ижро ҳужжати берилган сана ва уни ижрога топшириш муддати.

Суд ҳужжати асосида берилган ижро ҳужжати судья томонидан имзоланади ва суднинг гербли муҳри билан тасдиқланади.

Бошқа органнинг ҳужжати асосида берилган ижро ҳужжати мазкур ҳужжатни қабул қилган органнинг ваколатли мансабдор шахси томонидан имзоланади ва тегишли органнинг муҳри билан тасдиқланади.

Суд буйругининг ҳамда алиментлар тўлаш тўғрисидаги нотариал тарзда тасдиқланган келишувнинг, шунингдек нотариус ижро хатининг мазмuni қонунчилик билан белгиланади.

Ижро ҳужжатларини мажбурий ижро этиш Мажбурий ижро бюросининг туман (шаҳар) бўлимлари томонидан амалга оширилади, бундан Мажбурий ижро бюросининг худудий бошқармаларига ва марказий аппаратига таалтуқли ижро ҳужжатлари мустасно.

Мажбурий ижро бюросининг худудий бошқармалари:

турли туманларда (шаҳарларда) жойлашган бир нечта қарздорга, шу жумладан солидар жавобгарлиги бўлган қарздорларга нисбатан берилган ижро ҳужжатларини;

ижро ҳужжати тақдим этилган кундаги *базавий ҳисоблаш миқдорининг ёз минг бараваридан юз минг бараваригача* миқдордаги суммани ундиришни назарда тутувчи ижро ҳужжатларини;

чет давлатнинг резиденти бўлган қарздор юридик шахсга нисбатан ижро ҳужжатларини ижро этади.

Қорақалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бош давлат ижрочилари ёхуд уларнинг ўринбосарлари алоҳида ҳолатларга қараб ҳар қандай ижро ишини Мажбурий ижро бюросининг туман (шаҳар) бўлимларидан олиб қўйишга ва уни ўз иш юритувига қабул қилишга ҳақли.

Мажбурий ижро бюросининг марказий аппарати:

турли вилоятларда жойлашган бир нечта қарздорга, шу жумладан солидар жавобгарлиги бўлган қарздорларга нисбатан берилган ижро ҳужжатларини;

ижро ҳужжати тақдим этилган кундаги *базавий ҳисоблаш миқдорининг юз минг баравари миқдоридаги* ва ундан ортиқ миқдорлардаги суммани ундиришни назарда тутувчи ижро ҳужжатларини;

чет давлатларга, уларнинг давлат органларига, чет давлатларнинг Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган дипломатик ваколатхоналарига ва консуллик муассасаларига, ҳалқаро ҳукумат ташкилотларига ва уларнинг ваколатхоналарига, шунингдек уларнинг дипломатик иммунитетга эга бўлган ходимларига нисбатан берилган ижро ҳужжатларини ижро этади.

Ўзбекистон Республикасининг Бош давлат ижрочиси ёхуд унинг ўринбосари алоҳида ҳолатларга қараб ҳар қандай ижро ишини Мажбурий ижро бюросининг органидан олиб қўйишга ва уни ўз иш юритувига қабул

қилишга, ижро ишини Мажбурий ижро бюросининг бир органидан бошқа органига ўтказишга ҳақли.

Ундирув МИБга келиб тушгач фуқаролар қандай огохлантирилади?

✓ Иқтисодий, жиноий, маъмурий, фуқаролик судлари ва бошқа органлар томонидан чиқарилган ва қонуний кучга кирган ижро ҳужжатлари МИБга келиб тушгач, мазкур ижро ҳужжатлари «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Конунда белгиланган тартибда дархол ёки бир иш куни ичида қўзғатилиб, қарор нусхаси ва тегишли огохлантириш хатлари тарафларга юборилади.

Йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун жарималар ўз вақтида тўланмаган тақдирда ундирув МИБга ўтса, яна қандай қўшимча чоралар кўрилади?

✓ ИИБ ЙХХБ органлари томонидан келиб тушаётган жарима ундириш тўғрисидаги маъмурий қарорлар Бюронинг худудий шаҳар(туман) бўлимларига келиб тушгандан сўнг Конун⁸⁴нинг 23-моддасига асосан ижро иши қўзғатилиб, қарздорларга **15 кунлик ихтиёрий муддат** берилади.

Қайд этиш жойизки, ижро иши қўзғатилганида, қарздорнинг телефонига СМС хабарнома боради.

Ушбу муддат якунлангач, мажбурий ижро ҳаракатларига киришилади. Қарздорнинг номига расмийлаштирилган автомототранспорт ва кўчмас мулк обектларига такиқ солинади, унинг банк хисоб рақамларидаги пул маблағларини хатлаш ва бошқа мажбурий ижро ҳаракатлари олиб борилади.

Қарздор 15 кунлик ихтиёрий муддат ичида мавжуд қарздорлигини тўлаб бермаган тақдирда унга нисбатан **БХМнинг 1 баробаридан 5 баробаригача бўлган миқдорда қўшимча жарима** ҳам қўлланади.

Алимент пулларини ўз вақтида тўламаганлик учун қандай жавобгарлик чоралари бор?

⁸⁴ Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Конуни. Тошкент ш, 2001-йил 29-август 258-II-сон.

<https://www.lex.uz/acts/26477>

✓ Алимент тұлашдан бүйин товлаб юрган қарздор оталарға нисбатан қонунда мажбурий ижро этиш чоралари белгилаб берилған. Үнга күра, ундирув қарздорнинг иш ҳақи, нафақаси, стипендияси ҳамда бошқа турдаги даромадларига қаратылади.

Шунингдек, қарздорнинг номида бұлған мол-мұлки ва бошқа шахсларда турған мол-мұлкларига қаратылади. Агар қарздорнинг ундирувга қаратилиши мүмкін бұлған мол-мұлклари аниқланмаса ва қарздор алимент пулларини **2 ой** давомида тұлашдан бүйин товласа, МЖТКниң 47-4-моддасининг 1-қисмiga асосан, маъмурий жавобгарлик масаласи күриб чиқиш учун тұпланған ҳужжатлар Жиноят ишлари бүйича судларға тақдим қилинади.

Маъмурий жавобгарлик құлланғандан сұнг ҳам қарздор алимент тұлашдан қасдан бүйин товлаб юрса, тұпланған ҳужжатлар бошқарманинг суриштирув ва маъмурий амалиёт шұйбасига дастлабки суриштирув ҳаракатларини олиб бориш ва Жиноят кодексининг 122-моддаси бүйича жиноят иши құзғатиши учун юборылади.

Алимент 18 ёшгача бирийұла қандай тұланади?

✓ Қарздор агар фарзандлари 18 ёшга тұлғунига қадар алимент тұловларини бирийұла ихтиёрий тұлаб беришни хоҳласа, у аввало үзи алимент тұлаб келаётган Бюронинг ҳудудиј бўлимига ариза билан мурожаат қилиб, фарзандлари 18 ёшга киргунига қадар бұлған муддатни ҳисоблаб беришни сўрайди.

Давлат ижрочиси шу аризага асосан, белгиланған тартиб асосида ижро тадбирларини ташкил этиб, алимент тұловчининг аризасига ва қонуний ҳақ-хукуқини амалга оширишига имкон яратыб беради.

Қандай ҳолатларда қарздорларга нисбатан МИБ томонидан хорижга чиқиш учун тақиқ құлланади?

✓ Ижро ҳужжатидаги ёки суд ҳужжатидаги талаблар қарздор томонидан ихтиёрий равища белгиланған муддатда узрсиз сабабларга күра ижро этилмаган тақдирда, давлат ижрочиси томонидан ундирувчининг аризаси бүйича (ёки үз ташаббуси билан) қарздор жисмоний шахснинг Ўзбекистон Республикасидан четга чиқишига вактинча тақиқ қўйиш учун қарор қабул қилинади.

Давлат ижрочиси қарздорнинг хорижга чиқишини вактинча чеклаш тұғрисида қарор қабул қилғанда, қарор МИБ, ИИВ ва ДХХ чегара қўшинлари

ўртасидаги йўлга қўйилган маҳсус Ягона электрон ҳамкорлик тизими орқали **Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси** ҳамда **Чегара қўшинларига** юборилади ва шу вақтнинг ўзида қарздорга нисбатан тақиқ ўрнатилади.

Хорижга чикиш учун тақиқни ечиш тартиби қандай?

✓ Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, ИИВ ва ДХХнинг 2019 йил 23 ноябрдаги қўшма қарори билан тасдиқланган низомга мувофиқ, қарздорнинг хорижга чиқишини вақтинча чеклашга асос бўлган ижро ҳужжати талаблари ижро этилганда, ёхуд қонунда белгиланган асосларга кўра ижро ҳужжати тутатилганда (тамомланганда) ёки алиментларни олдиндан тўлаш мажбуриятини гаров билан таъминлаганда, шунингдек, қарздорнинг чиқишини вақтинча чеклаш тўғрисидаги давлат ижроқисининг қарори бекор қилинганда, давлат ижроқиси томонидан қарор маҳсус электрон тизим орқали автоматик тарзда Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси ҳамда Чегара қўшинларига юборилади ва шу вақтнинг ўзида қарздорга нисбатан қўйилган вақтинчалик тақиқ олиб ташланади.

Бирор ижро иши бўйича қарздорлик ёки чет элга чикиш учун тақиқ бор-йўқлигини онлайн тарзда текшириб кўрса бўладими?

✓ Мажбурий ижро бюроси тизимида Бюро ходимлари учун корпоратив бўлган «**МИБ портал**» тизими ишга туширилган бўлиб, Бюро органларига суд ва бошқа органлар томонидан юборилган ижро ҳужжатлари ушбу тизимда мужассамлашган.

Тизим 60 дан ортиқ ташкилотларнинг ахборот тизимлари билан интеграциялаштирилган. Бюро ходимлари иш жараёнида ушбу тизимдан тўлиқ фойдаланиб, иш фаолиятини олиб боришади.

Содда қилиб айтганда, Бюро органлари иш юритуvida мавжуд ижро ҳужжатларининг умумий базаси ҳисобланади.

Жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакиллари учун ҳам Бюро органларига бормасдан, Бюро органларида мавжуд суд ёки бошқа органлар ҳужжатлари бўйича қарздорликлари бор-йўқлигини аниқлашлари, аниқланган қарздорликларни электрон тўлов тизимлари орқали ҳеч қайерга бормасдан сўндиришлари учун Мажбурий ижро бюроси томонидан мобил телефонларда ишлашга мўлжалланган алоҳида **МИБ.UZ** номли мобил илова ишлаб чиқилган.

Жисмоний шахслар ушбу мобил иловани **Play Market** иловаси орқали телефонларига қўчириб олиб ўрнатиб, рўйхатдан ўтишлари зарур бўлади.

Иловада рўйхатдан ўтгандан сўнг қарздорликни текшириш, Ўзбекистон Республикасидан чиқиш хуқуqlарини текшириш, Алимент калкульятори, Ижро иши мониторинги хизматларидан фойдаланишлари мумкин.

Бундан ташқари, www.mib.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикасидан четга чиқишга тақиқ бор-йўклигини кириб текшириш имконияти яратилган.

Юридик шахслар СТИР рақамини киритиб, жисмоний шахслар эса ўз паспорт серияси ва рақамини киритиб, Бюро органлари иш юритувидан уларга тегишли хужжатлар, қарздорликлари бор ёки йўклигини текшириш имкониятига эга⁸⁵.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Электр энергияси ва табиий газ етказиб бериш ҳамда истеъмол қилиш соҳасида тўлов интизомини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, ижро иши юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. Тошкент ш, 2017-йил 29-май, ПФ-5059-сон.

[https://lex.uz/docs/-3218772;](https://lex.uz/docs/-3218772)

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги мажбурий ижро бюроси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори. Тошкент ш, 2017-йил 30-май, ПҚ-3016-сон. [https://lex.uz/docs/-3220004#-3220010;](https://lex.uz/docs/-3220004#-3220010)

3. Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуни. Тошкент ш, 2001-йил 29-август 258-II-сон.

[https://www.lex.uz/acts/26477;](https://www.lex.uz/acts/26477)

4. <https://m.kun.uz/news/2021/08/05/mib-undiruvi-oz-vaqtida-tolanmagan-qarzdorliklar-qanday-jarima-va-taqiqlarga-sabab-boladi?q=%2Fuz%2Fnews%2F2021%2F08%2F05%2Fmib-undiruvi-oz-vaqtida-tolanmagan-qarzdorliklar-qanday-jarima-va-taqiqlarga-sabab-boladi>

⁸⁵ <https://m.kun.uz/news/2021/08/05/mib-undiruvi-oz-vaqtida-tolanmagan-qarzdorliklar-qanday-jarima-va-taqiqlarga-sabab-boladi?q=%2Fuz%2Fnews%2F2021%2F08%2F05%2Fmib-undiruvi-oz-vaqtida-tolanmagan-qarzdorliklar-qanday-jarima-va-taqiqlarga-sabab-boladi>

